



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ Қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 21 декабрь, № 264 (8887)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ҲАРАКАТИ ОРТГА ҚАЙТАРИБ БЎЛМАЙДИГАН КАТТА КУЧГА АЙЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 20 декабрь куни мамлакатимиздаги фаол тадбиркорлар билан учрашди. Видеоселектор шаклида ўтган мулоқотда соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича йил якунлари ва 2025 йилга мўлжалланган режалар муҳокама қилинди.



Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари нутқ сўзлаб, бу борадаги асосий мақсад ва натижаларни кўрсатиб ўтди.

— Тадбиркорликни ривожлантириш — биз учун стратегик вазифа. Бизнинг таянчимиз ҳам, суянчимиз ҳам, энг катта кучимиз ҳам шу соҳада мужассам. Шу боис тадбир-

корларни қўллаб-қувватлаш марказдан тортиб энг қуйи бўғингача — барча раҳбарларнинг кундалик иши бўлиши шарт. Айниқса, жойларда ҳокимлар ҳар бир тадбиркор билан кўпроқ мулоқот қилиб, корхоналарга бориб, уларнинг дарди билан яшаши керак. Биз катта иқтидор эгалари бўлган бизнес вакиллари-

ни асраб-авайлашимиз зарур. Улар биз учун жуда қадрли инсонлар, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ушбу жиҳатдан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик кенгаши тузилган. Бу кенгаш давлат ва тадбиркорлар ўртасида

кўприк бўлиб, аниқ таклифларни билдириб келмоқда. Жорий йилнинг ўзида тадбиркорлар фаолияти учун ғоят муҳим бўлган 5 та қонун, 101 та Фармон ва қарор қабул қилинди.

Сўнгги йилларда иқтисодиётимизда пул кўпайди. Бу инвестиция лойиҳаларини барқарор молиялашти-

ришга асос бўлмоқда. Жумладан, корхоналарнинг банклардаги маблағлари 20 триллион сўмга ошиб 107 триллион сўмга, аҳоли омонатлари 25 триллион сўмга кўпайиб, 105 триллион сўмга етган.

Йил якуни билан ажратилган жами кредитлар 275 триллион сўмни ташкил қилади. 2025 йилда бу кўрсаткич

300 триллион сўмдан ошиши ҳисоб-китоб қилинган. Айниқса, кичик бизнесга бериладиган кредитлар улуши ҳозирги 28 фоиздан 40 фоизга оширилиб, 120 триллион сўмга етказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар! Ҳурматли тадбиркорлар!

Бугун — Янги йил оstonасида энг фаол тадбиркорларимиз билан учрашиб, йил давомида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилсак, келгуси йил учун янги марраларни белгилаб олсак, ўйлайманки, ҳар томонлама фойдали бўлади.

Кенг қўламли ислохотларимизнинг илк кунларидан бошлаб, мен бир фикрни доим таъкидлаб келаман: тадбиркорликни ривожлантириш — биз учун стратегик вазифа. Бизнинг таянчимиз ҳам, суянчимиз ҳам, энг катта кучимиз ҳам шу соҳада мужассам.

Шу боис тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш марказдан тортиб энг қуйи бўғингача — барча раҳбарларнинг кундалик иши бўлиши шарт. Айниқса, жойларда ҳокимлар ҳар бир тадбиркор билан кўпроқ мулоқот қилиб, корхоналарга бориб, уларнинг дарди билан яшаши керак.

Биз катта иқтидор эгалари бўлган бизнес вакиллари асраб-авайлашимиз зарур. Улар биз учун жуда қадрли инсонлар.

Шу ўринда Тадбиркорларнинг жамоатчилик кенгаши аъзолари давлат ва тадбиркорлар ўртасида кўприк бўлиб, аниқ таклифлар

ни ўртага қўйиб келаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу йилнинг ўзида тадбиркорлар фаолияти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган 5 та қонун, 101 та Фармон ва қарорлар қабул қилдик.

Фурсатдан фойдаланиб Кенгаш аъзолари, улар орқали бутун ишбилармонлар ҳам-жамиятига ана шундай фаоллик учун чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Азиз дўстлар!

Сўнгги йилларда иқтисодиётимизда пул кўпайди, инвестиция лойиҳаларини барқарор молиялаштириш мустаҳкам асоси яратилди, десак, аини ҳақиқат бўлади. Жумладан, корхоналарнинг банклардаги маблағлари 20 триллион сўмга ошиб, жами 107 триллион сўмга, аҳоли омонатлари ҳам 25 триллион сўмга кўпайиб, 105 триллион сўмга етди.

Бу — банкларимиз барқарор ривожланаётгани, уларга аҳоли ва тадбиркорларимизнинг ишончи ортиб бораётганидан далолат беради.

Йил якуни билан ажратилган жами кредитлар 275 триллион сўмни ташкил қилади. 2025 йилда бу кўрсаткич 300 триллион сўмдан ошиши ҳисоб-китоб қилинган. Айниқса, кичик бизнесга бериладиган кредитлар улуши

ҳозирги 28 фоиздан 40 фоизга оширилиб, 120 триллион сўмга етказилади.

Тадбиркорларимиз эҳтиёжидан келиб чиқиб банкларимиз 2025 йилда четдан давлат кафолатисиз 6 миллиард доллар олиб келиш бўйича ўзига вазифа олди. Факторингга кенг йўл очиб берганимиз натижасида шу йилнинг ўзида 100 миллион долларлик шундай хизматлар кўрсатилди.

Бизнес учун йўл, сув, электр, газ, темир йўл каби инфратузилма объектларини яхшилашга бу йил 35 триллион сўм йўналтирилди. Келгуси йилда яна 43 триллион сўм йўналтириш режалаштирилган.

Корхоналарни барқарор энергия билан таъминлаш учун электр ишлаб чиқариш 82 миллиард киловатт-соатга етди. Бу йил ишга туширилган 6,3 миллиард долларлик 17 та йирик “яшил” ва янги технологияга асосланган энергия қувватлари ҳисобига келгуси йилда қарийб 90 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Бу ишлар давом эттирилиб, 2025 йилда яна 6,4 миллиард долларлик 25 та лойиҳа доирасида 4,8 гигаваатт янги қувватлар барпо этилади.

Ҳозирги кунда юртимизда мустақил энергия ишлаб чиқарувчилар сони 24 тага етди.

Энди энергетика соҳасида ҳам рақобатга асосланган бозорга ўтиш вақти келди.

Илк бор 2025 йилда электр энергиясининг онлайн улгуржи бозори ишга тушади. Тажриба сифатида Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги электр тармоқлари хусусий секторга берилади. Натижага қараб бу амалиётни қолган вилоятларда ҳам жорий этамиз.

Туризм соҳасида ҳам катта ишлар қилинди. Тадбиркорларнинг 6,5 триллион сўм сармояси ҳисобига жами 24 минг ўринли меҳмонхоналар ишга туширилди.

Келгуси йилда меҳмон ўринлари сони яна 30 мингга ошади. Тадбиркорлар бунинг учун 10 триллион сўм инвестиция киритишга тайёр. Бу йил ишга туширилган 17 та йирик савдо ва туристик маскани ёнига келгуси йили “Pyramid Tower”, “Beldersoy resort”, “Arda Khiva” каби яна 25 та шундай масканлар қўшилади.

Ўтган ҳафта Бўстонликда 10 миллиард долларлик “Денгиз шабадаси” номли йирик марказни барпо этишни бошлашга келишиб олди. Шунингдек, мамлакатимизга дунёнинг нуфузли “Swissotel”, “Sheraton”, “Ritz-Carlton”, “Novotel”, “Pullman”, “Marriott”, “Ibis”, “Mercure” каби 23 та меҳмонхона брендлари кириб келмоқда.

Савдони ривожлантириш бўйича алоҳида компания очиб, экспортни молиялаштириш учун 350 миллион доллар ажратдик. Натижада бу маблағдан берилган ҳар 1 доллар ҳисобига тадбиркорлар 6 долларлик экспорт қилди. Келгуси йилда ушбу мақсадлар учун яна 300 миллион доллар йўналтирамиз.

Тадбиркорлар бу йил 11,5 триллион сўмлик 3 мингта давлат мулки ва 4 минг гектар ерни сотиб олиб, ўз бизнесини бошлади. Келаётган йилда яна 4,5 мингта бино ва 6 минг гектар ер тадбиркорларга таклиф қилинади.

Узоқ йиллардан буюн давлат монополиясида бўлган йўлларни таъмирлаш ва сақлашга хусусий секторни жалб қилиш ишлари кенгайтирилади. Бу йил 260 километр йўللarga хизмат кўрсатиш бўйича ишлар тадбиркорларга берилди. Келгуси йилда бу кўрсаткич 3 минг километрга етказилади.

“Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида йўлларни таъмирлаш ишларининг 92 фоизи хусусий пудратчилар томонидан амалга оширилди. Келгусида бу кўрсаткични 100 фоизга етказамиз. Осиё тараққиёт банки иштирокида 86 та туманда 841 километр йўлни куриш тўлиқ маҳаллий пудратчилар томонидан амалга оширилади.

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича жорий йил якунлари ва 2025 йилга асосий режалар юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши ҳамда етакчи тадбиркорлар билан мулоқотдан:

■ жорий йилнинг ўзида тадбиркорлар фаолияти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган **5 та** қонун, **101 та** Фармон ва қарор қабул қилинди;

■ корхоналарнинг банклардаги маблағлари **20 триллион** сўмга ошиб, **107 триллион** сўмга етди. Аҳоли омонатлари ҳам **25 триллион** сўмга кўпайиб, **105 триллион** сўм бўлди;

■ йил якуни билан ажратилган жами кредитлар **275 триллион**

сўмни ташкил қилади. 2025 йилда бу кўрсаткич **300 триллион** сўмдан ошиши ҳисоб-китоб қилинган;

■ кичик бизнесга бериладиган кредитлар улуши **28 фоиздан 40 фоизга** оширилиб, **120 триллион** сўмга етказилади;

■ тадбиркорлар эҳтиёжидан келиб чиқиб мамлакат банклари 2025 йилда четдан давлат кафолатисиз **6 миллиард** доллар жалб қилиши режалаштирилган;

■ факторингга кенг йўл очиб берилгани натижасида шу йилнинг ўзида **100 миллион** долларлик бундай хизматлар кўрсатилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

 Темир йўл соҳасида рақамлаштириш ва операцияон самарадорликни ошириш ҳисобига юк ташиш муддатлари 40 фоизга қисқарди. Энг муҳими, станцияларда юкларни тўловсиз тушириш вақти 2 соатдан 3 кунга узайтирилгани учун тадбиркорлар йилгига 57 миллиард сўм маблаг тежамокда.

Авиация соҳасида ҳам хусусий секторнинг роли ошиб бормокда. Бугунги кунда хусусий авиакомпаниялар сони 14 тага етди. Қўшимча 6 та юк ва 16 та йўловчи ҳаво кемаси олиб келинди. Бухоро, Наманган аэропортлари хусусий шерикликка берилди, Андижон ва Урганч аэропортлари бўйича тендер давом этмокда.

Минтақадаги энг қулай ва жозибадор бизнес муҳитини сақлаб қолиш учун барқарор солиқ сиёсатини давом эттирамиз. Жумладан, ҳаётий зарур харажатларни молиялаштириш учун бюджет тушумлари қанчалик зарур бўлмасин, асосий солиқлар бўйича ставкалар ўзгармайди.

Шунингдек, 1 январдан бошлаб ер ёки давлат мулки қўшимча қиймат солиғисиз сотилади, мобиль алоқа учун акциз солиғи бекор қилинади, шаҳар чегарасидаги қишлоқ ерларига 2 қарра ер солигини ҳисоблаш тўхтатилади, наشريёт ва матбаа корхоналари фойда солигини тўлашдан 5 йил муддатга озод этилади.

Бундан ташқари, IT-парк резидентларига барча турдаги солиқларни тўлашдан озод этиш бўйича берилган имтиёзлар 2040 йилгача узайтирилади, хусусий мактаб ва бочалар, хорижий ўқитувчи ва мутахассислар учун берилган барча солиқ имтиёзлари 2030 йилгача амал қилади.

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнлари якуний босқичга кириб бормокда. АКШ, Хитой каби ийрик давлатлар билан келишувларга эришдик.

Тўғри, Жаҳон савдо ташкилоти қоидаларига зид бўлган имтиёзларни бекор қиялғимиз. Шу билан бирга, давлат тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, улар адолатли рақобат муҳитида ишлаши учун зарур бўлган барча шароитларни яратишда давом этади.

Бу йил қўшимчаларимиз билан чегарадан кириб-чиқш билан боғлиқ бир қатор масалаларга ечим топдик. Хусусан, Андижон вилоятидаги 13 йил ёпиқ бўлган “Хонобод”, “Мингтепа” ва “Қорасув” чегара постлари ҳамда 8 йил ишламаган “Учқўрғон” пости тикланди. Натижада аҳоли ва тадбиркорларнинг йўли 100 километрга қисқарди.

Умуман, жорий йилнинг ўтган 11 ойда чегара орқали харакатланган транспортлар сони 400 мингтага ошиб, 3 миллионга етди.

Келгуси йилда “Гиштқўприк”, “Навоий”, “Довут ота”, “Шовот” ва “Гулбахор” чегара постларида қўшимча коридорлар қурилиб, ўтказиш қуввати 5 қарра оширилди.

Умуман, бугунги мураккаб геосиёсий шароитга қарамасдан иқтисодиймизни 6,3 фоизга ошиб, 111 миллиард доллардан кўпайди. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳасига 38 миллиард доллар инвестиция киритилди, экспорт 26 миллиард доллардан ошди.

Яқин-яқингача бундай рақамларни тасаввур ҳам қила олмас эдик.

Энг муҳими, буларнинг барчасини аввало сизлар — фаол тадбиркорлар билан биргаликда урдаддик.

Сизлар билан кечган очиқ мулоқотда кўп тадбиркорларимиз ўз зиммасига ижтимоий масъулият олиб, эҳтиёжманд одамларни ишли

қилишга тайёр эканини билдирган эди. Ўтган қисқа вақт давомида тадбиркорларимиз 387 минг нафар камбағал оила аъзолари ва 40 минг нафар ногиронлиги бор одамни даромадли қилди.

Мамлакатимизда камбағаллик даражаси йил якуни билан 9 фоиздан пасаяди. Аминманки, ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлигимизни шу суръатда давом эттирсак, келгуси йилларда бу кўрсаткични 6 фоизга туширамиз.

Шу ўринда ваъдасининг устидан чиқиб, янги қувватлар ҳисобига минглаб иш ўринлари яратаётган, замонавий технология олиб кираётган, янги ташқи бозорларни забт этаётган, иқтисодийтимизнинг барқарор ўсишига муносиб ҳисса қўшаётган барча тадбиркорларимизга чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Келгуси йилда маррани катта олиб ялпи ички маҳсулотни 120 миллиард долларга, инвестицияни 42 миллиард, экспортни 30 миллиард долларга етказишни режа қиялғимиз. Банклар тармоқ ва ҳудудлар билан 5 миллион аҳолини банд қилиш, 1,5 миллион одамни камбағалликдан чиқариш бўйича ишлайди.

Бу марраларга эришиш учун, албатта, сизлар каби тадбиркорларимиз ёрдамига таянамиз. Шунинг учун ҳам бугун сизлар билан учрашиб, айрим масалаларни очиқ-ойдин гаплашиб олишга қарор қилдим.

Биринчидан, маҳаллабай ишлаганимиз натижасида шу йилнинг ўзида хусусий секторда даромад солиғи тўловчилар сони 365 мингтага кўпайди.

Бу яхши албатта. Эндиги вазифамиз — уларнинг даромадини ошириб, муносиб ҳаёт кечирishi учун етарли шароит яратишдан иборат.

Нега бу масалани алоҳида таъкидлаб айтилман?

Хусусий сектордаги ишчиларнинг 30 фоизда расмий ойлик маоши 1 миллион сўмдан кам қилиб кўрсатилган. Айниқса, Қорақалпоғистон, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида бу масала жуда долзарб. Бундай ҳолат, асосан, тўқимачилик, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш соҳаларида учраяпти. Лекин кўрсатилаётган бу ойлик иш ҳақи ҳақиқатга қанчалик мос келади?

Биргина мисол. Тўқимачилик корхоналари бўш иш ўринлариغا 50 минг одам исламокда. Улар “3 миллион сўмгача ойлик, бепул овқат ва йўлқира тўлашга тайёрман”, деб эълон беряпти. Ҳисоботда эса ойлик маош ва солиқлар миқдорини анча кам қилиб кўрсатмокда.

Яқинда тўқимачилик ва чарм саноати корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли ҳужжат қабул қиламиз. Бу соҳаларда камид 2,5 миллион сўм ойлик маош тўлайдиган, 15 фоиз ишчиси эҳтиёжманд оиладан бўлган тайёр маҳсулот чиқарувчи тадбиркорларга енгилликлар берамиз. Бундай корхоналар учун фойда солиғи ҳам, ишчисининг даромад солиғи миқдори ҳам 1 фоиз этиб белгиланади. Бу имтиёзга жавобан тўқимачилик ва чарм саноати корхоналари 50 минг эҳтиёжманд одамни ишга олмакда. Бошқа тармоқлар учун ҳам бу йил тўғайдиган имтиёзларни мана шундай ижтимоий мезон билан узайтиришга тайёрмиз.

Электротехника, қурилиш материаллари, савдо ва хизматлар соҳасидаги катта-катта иш берувчилар ҳам келгуси йилда камид 300 минг аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича ўзига ижтимоий мажбурият олса, улардан миннатдор бўлар эдик.

Иккинчидан, иқтисодий ўсиш режаларига

чиқиш учун тадбиркорларнинг лойиҳалари учун зарур маблағларни топиб бераймиз.

Ийрик давлат компанияларини трансформация қилиб, ташқи бозорга чиқараямиз. Улар ҳам ҳаракат қилиб, ўзи пул олиб келишни бошлади.

Энди тадбиркорларимиз ҳам банклар берадиган кредит билан чекланиб қолмасдан, халқаро стандартларга мослашиб, четдан мустақил ресурс жалб қиладиган вақт келди. Энг муҳими, халқаро молия ташкилотлари бу борада биз билан яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёр.

Мана, “Корзинка” супермаркетлар тармоғи, Самарқанд вилоятидаги “Мерос фарм”, “Сам Рафэот текстиль”, Хоразм вилоятидаги “Тило Домор” каби фаол корхоналар бу ишларни бошлаган. Бундай тадбиркорларимизни 50 — 100 тага етказиш учун нима қилиш керак?

Савдо-саноат палатаси раиси Д. Ваҳобовга бу йўналишда халқаро консалтинг компанияларини жалб қилиб, икки ойда тадбиркорларнинг ташқи молия бозорларида чиқишига қўмаклашадиган марказ очиш вазифаси топширилади. Бу орқали келгуси йилнинг ўзида камид 100 та маҳаллий компанияни халқаро молия бозорлари билан ишлашга ўргатиш зарур.

Учинчидан, мамлакатимизда ҳам 5 мингдан зиёд ишчиси бор, йиллик даромади 1 триллион сўмдан ошган, камид 100 миллиард сўм миқдорда солиқ тўлаётган 142 нафар “чемпион” тадбиркорлар пайдо бўлди.

Бу корхоналар энг илгор технологиялар ва янгиҳа бошқарувни жорий этган, ўзлари арзон ресурс олиб келмокда, кредит ва солиқ тўловларини ўз вақтида тўлаяпти, муддати ўтган қарзи йўқ. Муҳими, ҳар кун и англикка интилиб, изланишдан тўхтамаяпти. Улар бир тармоқли компаниядан кўп тармоқли корпорацияга айланиб, ёндош соҳалар ривожига ҳам катта ҳисса қўшапти.

Биз бошқа салохиятли тадбиркорларимизни ҳам қўлидан маҳкам ушлаб, шароит яратиб, қўллаб-қувватлаб, “чемпион” тадбиркорларни кўтаришимиз ва кўпайтиришимиз керак.

Бундай тадбиркорларга ер ва бинони тўғридан-тўғри беришга, давлат корхоналарини ҳам узоқ муддатга бошқарувга топширишга тайёрмиз. Фақат тегишли қарорларда кўрсатилган объектлар билан чекланмасдан, Ҳўкуматнинг режасида бўлмаган тақлифларни ҳам кўриб чиқиб, уникал объектларни ҳам хусусий шерикликка берамиз.

Ҳарбий саноат, дронлар ишлаб чиқариш, IT ва сунъий интеллектни кенг ривожлантиришда улар билан манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга чакираман.

Бош вазир А. Арипов ҳар чорақда, Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, банклар ва ҳокимлар эса ҳар ойда бундай тадбиркорлар билан учрашиб, уларнинг корхонасига бориб, ҳар бири бўйича масалаларни жойида ҳал қилиб беради.

Бу ишлар Президент назоратида бўлади. Тадбиркорларимизнинг экспорт борасидаги ишларини қўллаб-қувватлаш, бу соҳада юзга қалаётган айрим масалаларни ҳамкорларимиз билан бир столда ўтириб муҳокама қилиб, ўзаро манфаатли ечим топиш зарур. Керак бўлса, ички бозорни ҳимоялаш учун керакли жавоб чораларини кўриш лозим.

Бош вазир ўринбосарлари Ж. Кўчқоров, Ж. Ҳўжаев, инвестициялар, саноат ва савдо вазирли К. Қудратовга бир ҳафта муддатда тадбиркорлар билан гаплашиб, тариф ва нота-

риф сиёсатимизга янгиҳа ёндашувларни жорий қилиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш, Жамоатчилик кенгаши билан шу каби масалаларга тезкор ечим топиш учун Солиқ ва божхона масалалари бўйича ташаббуслар платформасини ташкил қилиш вазифаси топширилади.

Бу платформа келгуси йил январь ойидан ишга тушиши керак ва ҳар бир ташаббус тадбиркорлар иштирокида Жамоатчилик кенгашида муҳокама қилиб борилиши шар.

Тўртинчидан, дунёдаги 10 та энг бой компаниянинг 7 таси IT ва молиявий хизмат соҳаларидан чиққан.

Мамлакатимиз аҳолиси 40 миллионга яқинлашмокда, унинг 56 фоизи ёшлардан иборат. Шу рақамларнинг ўзи соҳада катта салохият, иш ўрни, юқори даромад мавжуд эканини кўрсатади.

IT, молиявий хизматлар, инновациялар, телекоммуникация каби соҳаларни хусусий корхоналар тез ривожлантиради. Яратиб берилган шароит ҳисобига қиймати 1 миллиард доллардан ошган “TBC O‘zbekiston” ва “Uzum” хусусий компаниялари пайдо бўлганини бунга аққол мисол сифатида келтириш мумкин.

Бундай компаниялар кўпайиши учун мавжуд тўсиқларни бартараф этиб, ҳамма шароитни яратишга тайёрмиз. Хусусан, уларга ривожланиш ва тадиқот марказлари учун лаборатория жиҳозларини, технологик ускуналарни божсиз олиб келишга руксат берамиз. IT, молиявий хизматлар, тадбиркорликни молиялаштириш, экспорт, туризм, хизматлар, “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш каби долзарб масалалар бўйича Жамоатчилик кенгашида эксперт гуруҳларини ташкил қилиш керак.

Бу гуруҳлар ҳар ойда бир марта тадбиркорлар билан учрашиб, тизимли муаммоларни ҳал этиш бўйича тақлифларни Жамоатчилик кенгаши муҳокамасига киритиб боради.

Жамоатчилик кенгашига яна бир муҳим масалани топширмоқчимман.

Охириги 3 йилда Божхона кодексининг 100 дан ортиқ моддасига ўзгартириш киритилди. Лекин унинг қоидалари Жаҳон савдо ташкилотининг ҳам, тадбиркорларнинг ҳам талабига мос эмас.

Шу боис Ж. Кўчқоров, Д. Ваҳобов Жамоатчилик кенгаши аъзолари ҳамда Қонунчилик палатаси депутатлари билан чуқур муҳокамалар ўтказиб, келгуси йил 1 майгача ҳар томонлама янгиланган Божхона кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш учун масъул бўлади.

Бешинчидан, ички бозор билан чекланиб, экспорт масаласи билан жиддий шугуullanмасак “чемпион” тадбиркорлар кўпаймайди, халқимиз бойимайди. Валюта балансини таъминлаш ҳам қийин бўлади.

Салоҳиятимиз юқори бўлган тўқимачилик, электротехника, озиқ-овқат саноати каби соҳаларда 30 фоиз имкониятларни ишлатялғимиз холос. Ҳозир ип-калавани қайта ишлаш даражаси 50 фоиз бўлса, бу ҳол ипақда — 75 фоиз, савдо — 64 фоиз, мева-сабзавотда эса 16 фоизни ташкил этмокда.

Мамлакатимиздаги 1 мингга яқин конларда 100 дан ортиқ турдаги минерал хомашё базаси мавжуд. Тасдиқланган захираларимиз қарийб 1 триллион долларга баҳоланган. Йилдан-йилга қазиб олишни кўпайтирялғимиз. Лекин саноатда юқори технологик ишлаб чиқариш улуши 25 фоизни ташкил этади. Албатта, бу кам.

Январь ойида аукционга чиқариладиган

400 та янги коннинг рўйхатини тасдиқлаб, тадбиркорларга эълон қиламиз.

Шу боис хомашёни чуқур қайта ишлаб, юқори қўшилган қиймат ва экспортни кескин ошириш бўйича янги ташаббусларингизни эшитишга тайёрмиз.

Умуман, Ж. Кўчқоров, Д. Ваҳобовга тегишли тармоқлар масъуллари билан биргаликда икки ой муддатда ҳар бир хомашё юзасидан чуқур қайта ишлаш ва юқори технологик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича беш йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилади.

Яна бир масала — тадбиркорлар мева-сабзавотни, асосан, томонқадан олаётгани учун экспортга бир турдаги маҳсулотни узлуксиз ва сифатли етказиб беришга қийналяпти. Шунинг ҳисобига экспортдан келаётган тушум ҳам паст.

Келгуси йилда 3,5 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилиш учун барча имконият бор. Шу боис 1 миллион гектар мева-сабзавот ерларини 760 та уруг етиштирувчи ва 824 та экспортчи корхонага номма-ном бириктирдик. Бу ишларни ҳар бир маҳаллада тизимли ташкил қилиш учун Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ва банкларнинг 5 мингга янги ҳодимлари бириктирилди.

Шунингдек, Тошкент ва Наманган вилоятларида янги тажрибани бошлаялғимиз. Бунда пахта ва галладан бўшайдиган ерлар 50 гектаргача йирик лотларда аукционга қўйилиб, саноатлашган плантация ташкил этиш учун профессионал инвесторларга сотилади.

Бу ерлардаги 20 сотихгача майдонда “шок” усулида музлаткич, калибровка ва қадоклаш цехлари қуришга руксат берилади. Етиштирилган мева-сабзавотни қайта ишлаш учун харид қилинган ускуналарга 1 миллиард сўмгача субсидия ажратилади.

Қадрли бизнес вакиллари!

Барчамиз тадбиркорликни ривожлантириш учун биргаликда ҳаракат қилсак, бугун белгилаб олган мақсадларимизга албатта эришамиз.

Бир фикрни доимо эсда тутишингизни истар эдим: Ўзбекистонда тадбиркорлик ҳаракати ортга қайтариб бўлмайдиган катта кучга айланди.

Биз давлат миқёсида қандай катта мақсад ва вазифаларни ўз олдимизга қўймайлик, уларни амалга оширишда бутун халқимиз билан бирга, аввало, сизларга таянамиз.

Сизларни Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида ҳал қилувчи куч, деб биламиз.

Тадбиркорларимиз қанча бой бўлса, халқимиз шунча фаровон яшайди, давлатиш шунча қудратли бўлади.

Тадбиркорнинг ютуғи — бу бутун халқимизнинг ютуғи.

Ана шундай олийжаноб ишда мен доимо сизлар билан биргаман. Сизлар эзгу мақсад билан илгари сурадиган ҳар қандай гоа ва ташаббусни қўллаб-қувватлашга тайёрман. Ишончим қиммат, ўз навбатида, сизлар ҳам жамиятимизнинг энг илгор вакиллари бўлиб, ислохотларимизни янада илгари суршида Президентга таянч ва суъни бўласизлар.

Ўз шахсий ибратингиз билан юртимизда илгор тадбиркорлар мактабини яратишга муносиб ҳисса қўшасиз, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, барча тадбиркорларимизни яқинлашиб келаётган Янги йил билан чин дилдан табриклайман.

Барчангизга сийҳат-саломатлик, улкан ютук ва омадлар, хонадонларингизга бахт, файзу барака тилайман.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ҲАРАКАТИ ОРТГА ҚАЙТАРИБ БЎЛМАЙДИГАН КАТТА КУЧГА АЙЛАНДИ

 Тадбиркорлар эҳтиёжидан келиб чиқиб банклар 2025 йилда четдан давлат кафолатини эсда 6 миллиард доллар олиб келишни режалаштирган. Факторингга кенг йўл очилгани натижасида шу йилнинг ўзида 100 миллион долларлик бундай хизматлар кўрсатилган.

Бизнес учун йўл, сув, электр, газ, темир йўл каби инфратузилмалар учун бу йил 35 триллион сўм йўналтирилган. Келгуси йил яна 43 триллион сўм ажратилиши режалаштирилган.

Корхоналарни барқарор энергия билан таъминлаш учун электр ишлаб чиқариш 82 миллиард киловатт-соатга етди. Бу йил ишга тушган 6,3 миллиард долларлик 17 та энергия қувватлари ҳисобига келгуси йилда қарийб 90 миллиард киловатт-соат электр ишлаб чиқарилади. Мазкур ишларни давом эттириб, 2025 йилда яна 6,4 миллиард долларлик 25 та лойиҳа доирасида 4,8 гигаваатт янги қувватлар барпо этилади.

Ҳозирги кунда юртимизда мустақил энергия ишлаб чиқарувчилар сони 24 тага етди. 2025 йилда илк бор электр энергиясининг онлайн улгуржи бозори ишга тушади. Тажриба сифатида Самарқанд, Жиззах ва Сирдарёдаги электр тармоқлари хусусий секторга берилади.

Туризм соҳаси ҳам ривожланмокда. Тадбиркорларнинг 6,5 триллион сўм сармояси билан 24 минг ўринли меҳмонхоналар ишга тушди. Келгуси йилда меҳмон ўринлари яна 30 мингга ошади. Бу йил ишга тушган 17 та йирик савдо ва туристик маскан

ёнига келаси йили яна 25 та шундай мажмуа қўшилади.

Савдони ривожлантириш бўйича алоҳида компания ташкил этилиб, экспортни молиялаштириш учун 350 миллион доллар берилди. Натижада бу маблагдан берилган ҳар 1 доллар орқали тадбиркорлар 6 долларлик экспорт қилди. Келаси йил яна 300 миллион доллар йўналтирилади.

Тадбиркорлар бу йили 11,5 триллион сўмлик 3 мингта давлат мулки ва 4 минг гектар ерни сотиб олиб бизнесини бошлади. Келгуси йил яна 4,5 минг бино ва 6 минг гектар ер тадбиркорларга тақлиф қилинади.

Узоқ йиллардан бери давлат монополиясида бўлган йўлларни таъмирлаш ва сақлашга хусусий секторни жалб қилиш кенгайтирилади. Бу йил 260 километр йўлларни сақлаш ишлари тадбиркорларга берилди. Келаси йили бу 3 минг километрга етказилади. Осиё тараққиёт банки штирокида 86 та туманда қуриладиган 841 километр йўллар тўлиқ маҳаллий пудратчилар томонидан амалга оширилади.

Темир йўл соҳасида рақамлаштириш ва операцияон самарадорликни ошириш ҳисобига юк ташиш муддатлари 40 фоизга қисқарди. Муҳими, станцияларда юкларни тўловсиз тушириш вақти 2 соатдан 3 кунга узайгани учун тадбиркорлар йилгига 57 миллиард сўм тежаяпти.

Авиация соҳасида хусусий компаниялар сони 14 тага етди. Қўшимча 6 та юк ва 16 та йўловчи ҳаво кемаси олиб келинди. Бухоро, Наманган аэропортлари хусусий шерикликка берил-

ди, Андижон ва Урганч аэропортлари бўйича тендер давом этяпти.

Давлатимиз раҳбари қулай ва жозибадор бизнес муҳитини сақлаб қолиш учун барқарор солиқ сиёсати юритилишини таъкидлади.

Жумладан, ҳозирги кунда бюджет тушумлари қанчалик зарур бўлмасин, асосий солиқлар бўйича ставкалар ўзгармайди. Шунингдек, 1 январдан бошлаб ер ёки давлат мулки қўшилган қиймат солиғисиз сотилади, мобиль алоқа учун акциз солиғи бекор қилинади. Шаҳар чегарасидаги қишлоқ ерларига 2 қарра ер солиғини ҳисоблаш тўхтатилади. Нашриёт корхоналари фойда солигини тўлашдан 5 йилга озод этилади.

Бундан ташқари, IT-парк резидентларига барча турдаги солиқларни тўлашдан озод этиш бўйича имтиёзлар 2040 йилгача узайтирилади. Хусусий мактаб ва бочалар, хорижий ўқитувчи ва мутахассислар учун берилган барча солиқ имтиёзлари 2030 йилгача амал қилади.

Маълумки, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни якуний босқичга қиялпти. Иқтисодиётда бу ташкилот қоидаларига зид бўлган имтиёзлар бекор қилинапти. Шу боис тадбиркорларнинг адолатли рақобат муҳитида ишлаши учун барча шароит яратилиши айтилди.

Бизнес учун транспорт ва логистика масаласи жуда муҳим. Шу боис қўшни давлатлар билан келишилиб “Хонобод”, “Мингтепа”, “Қорасув” ва “Учқўрғон” чегара постлари тикланди. Келгуси йилда “Гиштқўприк”, “На-

Муносабат

Тадбиркорларимиз қанча бой бўлса, халқимиз шунча фаровон яшайди, давлатимиз шунча қудратли бўлади. Тадбиркорнинг ютуғи — бу бутун халқимизнинг ютуғи.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЭНЕРГИЯ СОҲАСИДА
РАҚОБАТЛИ
БОЗОРГА ЎТИЛАДИ

“Кенг қўламли ислохотларимизнинг илк кунларидан бошлаб мен бир фикрни доим таъкидлаб келаман: тадбиркорликни ривожлантириш — биз учун стратегик вазифа. Бизнинг таянчимиз ҳам, сўянчимиз ҳам, энг катта кучимиз ҳам шу соҳада мужассам”. Давлатимиз раҳбари тадбиркорлар билан мулоқотда билдирган ушбу фикрлар ишбилармонлар қатламининг мамлакатимиз тараққиётида тутган ўрнига юксак баҳодир.

Таъкидлаш жоизки, соҳани ривожлантириш мақсадида Президент ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик кенгаши ташкил этилди. Мазкур кенгаш аъзолари давлат ва бизнес вакиллари ўртасида кўприк бўлиб, аниқ таклифларни ўртага қўйиб келаётгани йигилишда алоҳида билдирилди.

Натижада жорий йилнинг ўзида тадбиркорлар фаолияти учун гоят муҳим аҳамиятга эга бўлган 5 та қонун, 101 та Фармон ва қарор қабул қилинди. Албатта, бу қонунларнинг қабул қилинишида халқ вакилларининг ҳам иштироки бор. Биз Президентимиз қўйган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларни ўргандик, аҳоли ва тадбиркорлар билан мулоқот олиб бордик. Асосийси, ҳамкорлигимиз келгусида ҳам давом этади.

Йигилишда, шунингдек, бизнес учун йўл, сув, электр, газ, темир йўл каби инфратузилма объектларини яхшилашга бу йил 35 трлн. сўм йўналтирилгани қайд этилиб, келгуси йил яна 43 трлн. сўм ажратиш режалаштирилгани таъкидланди. Сенат ялпи мажлиси бюджет муҳокамасида ҳам бу масалалар теран таҳлил қилинди.

Саъй-ҳаракатлар натижасида корхоналарни барқарор энергия билан таъминлаш учун электр ишлаб чиқариш 82 млрд. киловатт-соатга етди. Бу йил ишга тушган 6,3 млрд. долларлик 17 та йирик “яшин” ва янги технологияга асосланган энергия қувватлари ҳисобига келгуси йилда қарийб 90 млрд. киловатт-соат электр ишлаб чиқарилади. Бу ишлар тизимли равишда давом эттирилиб 2025 йили яна 6,4 млрд. долларлик 25 та лойиҳа доирасида 4,8 гига-ватт янги қувватлар барпо этилиши кўзда тутилмоқда.

Мулоқотда Президентимиз энди энергия соҳасида ҳам рақобатли бозорга ўтиш вақти келганини таъкидлади. Ҳозирги кунда юртимизда мустақил энергия ишлаб чиқарувчилар сони 24 тага етди. Яна бир муҳим янгиллик — 2025 йили илк бор электр энергиясининг онлайн улгуржи бозори ишга тушади.

Энергия ишлаб чиқариш бозор иқтисодиётига ўтса, ҳозир учраётган муаммолар ечим топади. Ваҳоланки, айни пайтда биз эскирган тизим ва ускуналар билан тураржойларни, ишлаб чиқариш корхоналарини қувватлаяпмиз. Аммо бу етарли эмас. Ечим эса ривожланган давлатлар тажрибасига асосан мустақил энергия бозорини яратишдир.

Жамила БОБОНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

МИГРАЦИЯ БОШҚАРУВИГА
ОИД МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ



Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Миграция бўйича халқаро ташкилотнинг Ўзбекистондаги миссияси раҳбари Эндрю Грей билан учрашув ўтказди.

Мулоқот

ишларга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани, бу борада 2019 йили Миграция бўйича халқаро ташкилотнинг тўлиқ аъзоси сифатида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилгани эътироф қилинди.

Шунингдек, меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш ва янги механизмларни амалиётга жорий этиш мақсадида 16 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингани таъкидланди. Янги ишга жойлашиш механизмлари яратилгани, таълим

дастурлари, имтиёзли кредитлаш ва Ватанга қайтган муҳожирларни қўллаб-қувватлаш тизимлари ташкил этилгани айтиб ўтилди.

Ўзбекистон меҳнат миграцияси бозорларини диверсификациялаш, аъъанавий йўналишларга боғлиқликни камайитириш ва муҳожирларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашни кучайтириш борасида ўзаро фикр алмашилди.

Учрашувда томонлар миграция бошқарувини такомиллаштириш, хавфсиз ва тартибга солинадиган миграция жараёнларини таъминлаш, муҳожирлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган амалий чораларни кўриш юзасидан янада фаол иш олиб боришдан манфаатдорлигини билдирди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Сенатида

ПАРЛАМЕНТ – ЁШЛАР НИГОҲИДА

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ташаббуси билан “Парламент — ёшлар нигоҳида” мавзuida давра суҳбати ташкил этилди.

Унда сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси талабалари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Давра суҳбатида сенатор Зумрад Бекатова иштирокчиларга Конституциянинг мазмун-моҳияти ҳамда парламент ваколатларининг муҳим жиҳатлари, хусусан, Президентимизнинг Олий Мажлис Сенати биринчи ялпи мажлисидаги нутқида парламент юқори па-

латаси олдига қўйган вазифалар мазмун-моҳиятини батафсил тушунтирди.

Бу борада Сенат томонидан қандай чора-тадбирлар кўриляётгани, қонунлар муҳокамаси ва парламент назорати, айниқса, бюджет масалалари муҳокамасида маҳаллий Кенгашлар депутатларининг фаол иштирокини таъминлаш, уларга услубий кўмак бериш йўлида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Сўзга чиққанлар мамлакатдаги суд-

ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар ва жиноятларни тергов қилиш борасида ма-лакали кадрлар тайёрлашнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этишга Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси муносиб ҳисса қўшиб келаётганини таъкид-лади.

Адолатли ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти-ни барпо қилиш масаласи устувор мақсадлардан бири экани қайд этил-ди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтир-ган саволларга сенаторлардан батаф-сил жавоб олди.

«Халқ сўзи».

ҚУЛАЙ БИЗНЕС МУҲИТИ ВА
ЯНГИ ИМКОНиятлар

Давлатимиз раҳбари тадбиркорлар билан бўлиб ўтган мулоқотни “тадбиркорликни ривож-лантириш — биз учун стратегик вазифа” сўзлари билан бошлади. Дарҳақиқат, тадбиркорлик дав-лат иқтисодиётида стратегик ўрин тутади, чунки у иқтисодий ўсиш, янги иш ўринлари яратиш ва жамият фаровонлигини оширишда асосий воси-талардан биридир.

Жойларда ҳар бир ҳоким тадбиркорларни доимий тинглаши, улар-га ҳар томонлама кўма-дош бўлиши кераклиги ҳам учрашув давомида алоҳида таъкидланди.

Ушбу соҳани кенг кўламда, жадал ривож-лантиришда жамоатчи-лик кенгашларининг ўрнига ургү берилди.

Кейинги йилларда со-ҳадаги ислохотлар, им-золанган қонун ва қарор-лар натижасида миллий иқтисодиётимизда пул айланмаси анчагина ошди. Биргина мисол, корхоналарнинг банклар-даги мабғали 20 трлн. сўмга, аҳоли омонатла-ри 25 трлн. сўмга кўпай-ди. Бу рақамлар шуни кўрсатадики, Ўзбекис-тонда йилдан-йилга фискал мувозанат яхши-ланиб бормоқда.

Шунингдек, йил якуни-га қадар жами 275 трлн. сўмлик кредитлар ажра-

тилиши режалаштирил-ган, кейинги йилда бу рақам 300 трлн. сўмдан ортиши прогноз қилин-моқда. Шу билан бир қаторда, кичик бизнес ҳажмини янада ошириш мақсадида уларга аж-ратилаётган кредитлар 120 трлн. сўмга еткази-лиши учун амалий ҳаракатлар бошланган.

Самарали тадбиркор-лик фаолияти учун яна бир стратегик масала — бу, шубҳасиз, инфра-тузилма объектлари ҳисобланади. Фаол биз-нес муҳитини яратишда ин-фра тузилманинг аҳамияти катта. Чунки у тадбиркорларнинг са-марали фаолият юрити-ши, ресурслардан унум-ли фойдаланиши ва бизнес ривожланишини таъминлашда муҳим омилдир. Айнан ушбу йўналишда 2024 йилда жами 35 трлн. сўм маб-лаг сарфланган. Келгу-

си йилда яна 43 трлн. сўм инфратузилма об-ъектлари учун йўналтирилади.

Тадбиркор учун яна бир яхши хабар бу, ал-батта, давлатимиз Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш учун дадил қадам-лар ташлаганидир. Ай-нан ушбу жараёнда АҚШ ва Хитой каби йирик давлатлар билан кели-шувларга эриша олгани-миз келажакда тадбир-корларимиз учун катта эшиклар очилишига кўмаклашади.

Умуман олганда, тад-биркорлик давлат иқти-содиётининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, у инновациялар-ни ривожлантириш, янги имкониятлар яратиш ва иқтисодий барқарорли-ни таъминлашда муҳим ўрин тутади. Шу сабаб-ли, давлат томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсати стра-тегик аҳамиятга эга бўлиб, узоқ мuddатли иқтисодий ўсишни таъ-минлаш учун зарур.

Отабек МУСУРМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси аъзоси.

26 млрд. доллардан ошгани ҳам иқтисодий барқарорликни таъ-минлашда аини мuddао.

Давлатимиз раҳбари тадбир-корларнинг эзгу мақсад билан илгари сурадиган ҳар қандай ғоя ва ташаббусини қўллаб-қув-ватлашга тайёрлигини билдир-ди. Ўз навбатида, биз, депутат-лар жамиятимизнинг энг илгор вакиллари ҳуқуқ ва манфаатла-рини таъминлаш, ушбу йўна-лишдаги ишлар самарадорлиги-ни ошириш, соҳанинг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга оид ишларимиз натижадорлиги-ни кафолатлашимиз мақсадга мувофиқдир.

Шокиржон АҲМЕДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси аъзоси.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

СУВ КОДЕКСИ ЛОЙИҲАСИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Президентимиз ҳар бир нутқида сувдан самарали фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Хусусан, БМТнинг Боқу шахрида ўтказилган Иқлим ўзгариши бўйича конференциясида ҳам давлат раҳбари томонидан сувдан фойдаланишда самарадорликни ошириш, трансчегаравий сув ресурслари ифлосланишининг олдини олиш бўйича муҳим таклифлар илгари сурилганди.



Кеча Олий Мажлис Қонунчи-лик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмита-си томонидан ўтказилган се-минарда қуйи палатада иккин-чи ўқишга тайёрланётган Сув кодекси лойиҳасининг мазмун-моҳияти, унда акс этаётган му-ҳим нормалар кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамла-катимизда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, сув ҳўжалиги объектларини модернизация қилиш ва су-вни тежайдиган технологиялар-ни кенг жорий этишни қўллаб-қувватлаш, соҳада рақам-лаштириш ишларини ҳаётга татбиқ қилиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оши-рилмоқда.

Шу нуктаи назардан, Сув ко-декси лойиҳасида қатор муҳим нормалар ўз аксини топаётёр. Жумладан, мамлакатнинг сув хавфсизлигига эришиш, гло-бал сув тақчиллиги кучайиб бораётган даврда барча икти-содиёт тармоқларининг ва ат-

роф-муҳитнинг ушбу ресурсга бўлган эҳтиёжини қондириш, табиат инъоми бўлган мазкур неъматдан оқилона фойдала-ниш, сув инфратузилмасининг ҳамда сугориладиган ерлар-нинг ҳолатини яхшилаш каби масалалар қамраб олинган.

Лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида соҳадаги муносабатларни изчил ва ти-зимли ҳал этиш, сувдан фой-даланишда фуқаролар масъу-лигини белгилаш, сувдан оқилона фойдаланишда зарур шарт-шароитлар яратиш, сув етказиб берувчилар ва ис-теъмолчилар ўртасидаги муно-сабатларда шаффофликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, кодекс лойи-ҳасида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва экотизимни сув билан барқарор таъмин-лаш, ифлосланиш, бўғлашиш ҳамда камайиб кетишидан муҳофазалашда замонавий усулларни қўллаш ва зарар-ли таъсирларнинг олдини олиш ҳамда уни бартараф этиш чо-

раларини кўришга қаратил-ган нормалар белгила-наётёр.

Депутатлар атроф-муҳит учун сувдан фойдаланишнинг экологик хавфсиз даражасига эришиш ҳамда уни сақлаш, сув ресурсларини иқлим ўзгари-шини инобатга олган ҳолда оқилона бошқариш ва улар-нинг ҳисоботини юритиш, сув объектлари муҳофаза зонала-рини белгилаш, тоза ичимлик суви таъминотини йўлга қўйиш масалалари ҳам кодексда ўз аксини топиши лозимлигини билдирди. Кодекс лойиҳасида белгиланаётган нормалар сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, со-ҳага инвестицияларни жалб этишга хизмат қилиши таъкид-ланди.

Семинар якунида Сув кодек-си лойиҳасини пишиқ-пухта ҳолатга келтиришга қаратил-ган вазифалар белгилаб олин-ди ва тегшли тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ МЕХАНИЗМИ



ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН УЧУН!

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасидаги ислохотлар натижасида 2024 йилда муайян ишлар амалга оширилмоқда. **Хусусан:**

Факт ва рақамлар

— давлат тиббий суғуртаси жорий этилаётган ҳудудларда касалликларни амбулатор даволаш учун шифокорлар расмийлаштирган **электрон рецепт** асосида дорихоналар томонидан дори воситаларини беморларга бепул бериш тизими (**реимбурсация**) яратилди;

— Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятида **тиббий суғурта механизмлари жорий қилинди**, Қорақалпоғистон Республикасида эса тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда;

— давлат тиббий суғуртаси тизимини бошқа ҳудудларда **2026 йил якунига қадар** жорий этиш режалаштирилган.

Шунингдек, келаси йили муҳтож одамларнинг жарроҳлик амалиёти учун Тиббий суғурта жамғармасига қўшимча **185 млрд.** сўм ажратилади. Умуман, Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш тизимида жорий йилда **33,4 трлн.** сўм ажратилди.

Давлат тиббий суғуртаси тиббий хизматнинг янги ракурси сифатида соҳага кенг татбиқ этилмоқда. Бирламчи тизимда “электрон поликлиника” дастури асосида ортиқча қоғозбозликка чек қўйилмоқда. Шифохоналарни замонавий автоматизация билан таъминлаш ҳар қачонгидан юқори даражага кўтарилди.

Тиббиёт

Мамлакатимизда илк бор Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш тизимида давлат тиббий суғуртаси жорий этилгани кўпга инсонларга кафолатли тиббий ёрдам билан бирга сифатли маслаҳат-ташхис, даволаш, соғломлаштириш ва бошқа турдаги тиббий хизматлардан фойдаланиш учун қўшимча имкониятлар яратилди. Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида амалга оширилган ушбу механизм қўрилган натижасини бермоқда.

Энг муҳими, энди бемор оилавий шифокор йўлланмаси асосида бепул тиббий ёрдам олиш имконига эга бўлди. Касалликни эрта босқичда аниқлаш, даволаш мақсадида 421 та тиббиёт бригадаси, 202 та кўрик хонаси ташкил қилинди. Шунингдек, беморлар туман, шаҳар шифохоналарига тўғридан-тўғри эмас, балки оилавий шифокор йўлланмаси билан мурожаат қиладиган бўлди. Тор соҳа мутахассисларига мурожаатлар сони эса 11 фоизга камайди.

Мазкур механизм асосида кафолатланган пакет доирасидаги хизматлар йўлга қўйилиб, оилавий шифокорлик пунктлари, оилавий поликлиника ва кўп тармоқли марказий поликлиникалар 235 турдаги асосий дори воситалари, 76 турдаги тиббий воситалар билан таъминланди. Давлат тиббий суғурта жамғармасининг “Реимбурсация” дастури доирасида электрон рецепт асосида “Сурункали касалликлар (юрак ишемик касаллиги, юқори қон босими, қанди диабет II тури, бронхит астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги)



билан оғрийдиган беморларни 11 турдаги дори воситалари билан кафолатли таъминлаш тизими жорий этилди.

Яна бир муҳим жиҳат, давлат тиббий суғуртаси туфайли соҳани молиялаштириш йўналишида ҳам ижобий натижалар кузатилди. Хусусан, маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағлар консалидация қилиниб, маблағларни тиббиёт муассасалари бўйича уларнинг ҳудудий жойлашувидан қатъи назар, эркин тақсимлаш имконияти яратилди. Шунингдек, тиббиёт муассасаларига бириктирилган аҳоли сони ва таркиби (ёши, жинси) асосида аҳоли жон бошига молиялаштириш йўлга қўйилди. Натижада туман ва шаҳарларнинг туташ чегарасида яшовчи аҳолига географик жойлашуви бўйича ўзига яқин тиббиёт муассасасига мурожаат қилиш ҳамда аҳолининг ҳар бир аъзоси учун ажратилган маблағни у мурожаат этган тиббиёт муассасасига йўналтириш йўлга қўйилди.

Қолаверса, ажратилган маблағлардан фойдаланиш бўйича тиббиёт муассасаларига молиявий мустақиллик берилди. Бунда тиббиёт муассасалари ажратилган маблағларни эҳтиёждан келиб чиқиб, эркин тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлди.

Энг асосийси, ушбу механизм туфайли аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошди. Касалликларни эрта босқичда аниқлаш, даволаш борасида олиб борилаётган ишлар натижасида юқумли бўлмаган касалликлар сони сезиларли даражада камайди.

Юсуф МИРХОНОВ,
Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН АРМИЯСИ — ХАЛҚИМИЗ ФАХРИ



Жиззахда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 33 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан “Янги Ўзбекистон армияси — мамлакат таянчи, халқимиз фахри” шиори остида ватанпарварлик фестивали ўтказилди.

Сўзга чиққанлар ушбу байрам аҳоли ҳамда ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғулари жўш уришига, юртимиз тинчлигини асраб-авайлашда дахлдорлик туйғуларини юксалтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Фестивалнинг бадий қисмида ҳарбий оркестр ижросидаги она Ватанни улуғловчи, тинчликни та-

раннум этувчи куй-қўшиқлар барчага кўтаринки рух, байрамона кайфият улашди.

Шунингдек, ҳарбий техника ва анжомлар кўргазмаси, қўл жанги сахналари ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг кўргазмали чиқишлари юртдошларимизда катта таассурот қолдирди.

ЮКСАК ЭЪТИБОР САМАРАСИ

Қуролли Кучлар Академиясида Мудофаа вазирлиги қўшинларида ёшлар маънавияти ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг долзарб масалаларига бағишланган “Ёш ҳарбийлар форуми” ташкил этилди.

Форум ёш ҳарбий хизматчиларнинг соҳага оид инновацион гоялари ва ишланмалари кўргазмаси, ёш ҳарбий адиб ҳамда шоирларнинг тўпламлари тақдими, “Ёшлар кутубхонаси” ҳамда “Мард аскарга совға” рукни остида нашр этилган бадий адабиётлар кўргазмаси билан бошланди.

Ўзбекистон мудофаа вазирининг “Ёш ҳарбийлар форуми” иштирок-

чиларига мурожаати тинланди. Шундан сўнг ҳарбий хизматчилар ва спортчилар эришилаётган ютуқлар юксак эътибор самараси эканини фахр билан таъкидлади.

Яқунда ота-лиққа олинган ёшлар билан иш-



гуруҳ ҳарбий хизматчиларга эсдалашда жонбозлик кўрсатган бир

ҲАРБИЙ СУДНИНГ КЎРКАМ БИНОСИ

Қорақалпоғистон Республикасида Нукус ҳарбий суди биноси фойдаланишга топширилди.

Замонавий дизайн ва барча қулайликка эга ушбу бинода 50 ўринли суд зали, суд раиси, судьялар, адвокатлар, прокурорлар ва ходимларга мўлжалланган хизмат хоналари, тиббиёт пункти, кутубхона, судланувчиларни сақлаш жойи ҳамда 8 та санитар тизим барпо этилган.

Суднинг очиклиги, шаффофлигини таъминлаш, фуқароларга қўшимча енгилликлар яратиш учун мазкур суд биноси видеоқонференцалоқ тизими, аудиофиксация, инфокиоск, корпоратив тармоқ каби энг илғор ахборот-телекоммуникация воситалари билан жиҳозланган.

Маълумот учун, 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган тегишли дастур асосида жами 107 та суд замонавий бино билан таъминланган.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.



Паркент туманида 2025 йилнинг 1 мартига қадар 50 та ҳаво шарни ва дельтаплан лойиҳаси ишга туширилади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 909 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

Таҳриратга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — А. Норкулов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.26 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6